

МДҲ доирасида амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишларини кенгайтириш барқарор тараққиётни таъминлашда муҳим платформа

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 9-10 октябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари 10 октябрь куни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон раислигида ўтган саммит ишида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Арманистон Бош вазири Никол Пашинян ҳамда МДҲ бош котиби Сергей Лебедев иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, Ҳамдўстлик доирасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари нутқининг аввалида глобал сиёсат ва иқтисодиётдаги олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган жараёнлар ҳамда халқаро институтларнинг роли заифлашиб бораётганига қарамасдан, МДҲ ўзининг барқарорлиги, самардорлиги ва зарурлигини намойиш этишда давом этаётганини таъкидлади.

Ун йиллар давомида йўлга қўйилган механизмлар ва алоқалар туфайли иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалаларнинг барча йўналишларида яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда.

— Биз МДҲ доирасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, табиий шерикларимиз бўлган мамлакатлар билан амалий ҳамкорликнинг самардорлигини оширишдан манфаатдормиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Сўнг мамлакатимиз етакчиси Ҳамдўстлик доирасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Жаҳон иқтисодиётидаги вазиятнинг кескинлашishi, протекционизмнинг кучайishi ва барқарор ривожланиш йўлида янги хавф-хатарлар юзага келаётганини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий шерикликни кенгайтириш ташкилотнинг сўзсиз устувор йўналиши экани кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистоннинг МДҲдаги шериклари билан товар айирбошлаш ҳажми ўтган йили 11 фоизга ошгани ва бу кўрсаткич жорий йилда ҳам ўсишда давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Бундай кўрсаткичлар тармоқлараро кооперация чуқурлашётгани ва ўзаро инвестициялар оқими кўпайиб бораётгани туфайлидир.

Мавжуд имкониятларни янада тўлиқ ишга солиш, ҳамкорликнинг бутунги суръатини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон Президенти биргаликдаги сазй-ҳаракатларни қуйидаги устувор йўналишларга қаратишни таклиф этди.

Биринчидан, товар айирбошлашни кўпайтириш учун янада қулай шароитларни шакллантириш.

Алоҳида товарларни, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш жараёнида тартиб-таомил ва талабларни соддалаштириш ва миллий бозорларга кириш, жумладан, давлат ҳаридларида иштирок этиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, МДҲ Иқтисодий кенгаши доирасида ташқи конъюнктура ўзгаришларига тезкор жавоб бериш ва савдо оқимлари йўналишини ўзгартириш бўйича механизмларни ишга тушириш, техник тўсиқлар ва мувофиқликни баҳолашга оид ҳужжатларни тан олиш тўғрисидаги битимлар лойиҳаларини келишиш борасидаги ишларни фаоллаштириш мақсадга мувофиқ эканига эътибор қаратилди.

Иккинчидан, транспорт соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш.

МДҲ мақонидаги транспорт тармоғида мавжуд йўлаклар самардорлигини пайсантираётган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қўлаётгани қайд этилди. Бу барча турдаги транспортлар билан интеграциялашган ахборот-логистика марказларини ташкил этишни тақозо этмоқда.

Юк ташини инфратузилмасини модернизация қилиш учун хусусий инвестицияларни жалб қилиш муҳимлигини ҳисобга олиб,

Ўзбекистонда транспорт соҳасида давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш масалалари бўйича конференция ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Учинчидан, ўзаро инвестициялар ўсишини рағбатлантириш ва кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш.

Бу борада махсус иқтисодий ва саноат зоналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”ни тайёрлаш, кооперацияни чуқурлаштириш ва бизнесни жалб қилган ҳолда инновацион стартапларни илгари суриш учун МДҲнинг Венчур платформасини яратиш, келгуси йилда Тошкентдаги “ИННОПРОМ” кўргазмаси негизида Инновацион саноат форумини ўтказиш таклиф қилинди.

Тўртинчидан, энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш.

Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда МДҲдаги шериклар билан аънавий ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, жумладан, атом электр станциялари қурилиши соҳасида қатор йирик стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари МДҲ мамлакатларида энергетика секторини инновацион ривожлантириш бўйича узоқ муддатли дастур ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таклиф этди.

Бешинчидан, рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик.

Давлатимиз раҳбари жорий йил август ойида Самарқандда ўтган “МДҲда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш” мавзусидаги халқаро форум бу соҳадаги кооперация борасида ўзаро қизиқиш ва имкониятлар ортиб бораётганини кўрсатганини таъкидлади. Шу муносабат билан ушбу соҳада Амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича кўп томонлама ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида қўшма лойиҳа ва дастурларни кенгайтириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

— Мамлакатларимизда таълим сектори ва меҳнат бозори жадал ривожланаётганини ҳисобга олиб, Дипломлар, малака ва академик дастурларни ўзаро тан олиш тўғрисида янги давлатлараро келишувни тайёрлаш, Профессional стандартлар ва малака талабларини уйғунлаштириш механизмни жорий этиш лозим, деб ҳисоблаймиз, — деди Президент.

Келгуси йилда кун тартибига инновацион экотизимларни шакллантириш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш учун Ёшлар лабораториясини яратиш масаласини киритган ҳолда, МДҲ Ёшлар форумини Хивада ўтказишга тайёрлик билдирилди.

Минтақавий хавфсизлик масалаларида тўхталар экан, Президентимиз ташқи сиёсий

идоралар ва махсус хизматлар ўртасидаги тизимли ва яқин алоқаларни давом эттириш муҳимлигига эътибор қаратди. Афғонистондаги вазият алоҳида эътиборни талаб қилади.

— Ўзбекистон Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик, осойишталик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг қатъий тарафдори эканини таъкидлайман. Шу муносабат билан ушбу мамлакатда йирик инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда биргаликда иштирок этиш имкониятларини кўриб чиқишни таклиф этамиз, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Сўзининг якунида Шавкат Мирзиёев Сергей Лебедевнинг МДҲ Бош котиби лавозимига қайта тайинланишини қўллаб-қувватлади ҳамда Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовга ташкилотта раисликни қабул қилиб олгани муносабати билан муваффақиятлар тилади.

Йиғилишда Ҳамдўстликка аъзо бошқа мамлакатлар делегациялари раҳбарлари ҳам сўзга чиқди.

Саммит якунида МДҲ доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича келишув ва қарорлар тўплами имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли ҳамкасблар!

Аънавий илқ қабул ва бугунги саммитининг аjoyиб тарзда ташкил этигани учун Тожикистон Республикаси Президенти, хурматли Эмомали Шарипович Раҳмон шашыига билдирилган саммитий миннатдорлик сўзларига қўшилиман.

Тожикистоннинг МДҲга самарали раислигини, бу даврда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама шериклик янги суръат билан ривожлана бошлаганини алоҳида қайд этишни истар эдим.

Глобал сиёсат ва иқтисодиётда мураккаб, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган жараёнлар кечаётган шароитда, халқаро институтларнинг роли заифлашиб бораётган бир вазиятда МДҲ ўзининг барқарорлиги, самардорлиги ва зарурий тузилма эканини намойиш қилишда давом этаётганини таъкидламоқчиман.

Ун йиллар давомида яратилган механизмлар ва йўлга қўйилган мулоқотлар туфайли иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалаларга оид барча жабҳалар бўйича яқин ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Биз МДҲ доирасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, табиий шерикларимиз бўлган мамлакатлар билан амалий ҳамкорликнинг самардорлигини оширишдан манфаатдормиз. Шу муносабат билан Ўзбекистон кўп томонлама муносабатларни чуқурлаштириш бўйича билдирилган баҳо ва тақлифларни қўллаб-қувватлайди.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий шерикликни кенгайтириш биз учун, ҳеч

шубҳасиз, устувор йўналишдир. Жаҳон иқтисодиётидаги вазият ёмонлашиб, протекционизм кучайиб бораётгани, ҳамкорликнинг бугунги суръатини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон Президенти биргаликдаги сазй-ҳаракатларни қуйидаги устувор йўналишларга қаратишни таклиф этди.

Бундай кўрсаткичлар тармоқлараро кооперацияни чуқурлаштириш ва мамлакатларимиз ўртасидаги инвестиция оқимларини кўпайиши билан бевосита bogлиқдир. Жадал ҳамкорлигимиз суръатларини сақлаб қолиш мақсадида мавжуд ресурсларни янада тўлиқ ишга солиш ҳал қилувчи масала, деб ҳисоблаймиз.

Биргаликдаги сазй-ҳаракатларимизни қуйидаги устувор масалаларга йўналтиришни таклиф этамиз.

Биринчидан, савдо айланмасини кучайтириш учун янада қулай шарт-шароитларни шакллантириш.

Бу ўринда сўз алоҳида товарларни, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш жараёнида тартиб-таомил ва талабларни соддалаштириш ва миллий бозорларга кириш, жумладан, давлат харидларида иштирок этиш ҳақида бормоқда.

Мамлакатларимиз бозорларини ўзаро мос ҳолда кенгайтириш муҳимдир. Шу муносабат билан МДҲ Иқтисодий кенгаши доирасида

ташқи конъюнктура ўзгаришларига тезкор жавоб бериш ва савдо оқимлари йўналишини ўзгартириш бўйича механизмларни ишга тушириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, техник тўсиқлар ва мувофиқликни баҳолашга оид ҳужжатларни тан олиш тўғрисидаги битимлар лойиҳаларини келишиш борасидаги ишларни фаоллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, транспорт соҳасида ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишни истар эдим.

Афсуски, МДҲ мақонида транспорт тармоғида амалдаги йўлакларнинг ўтказиш самардорлигини пайсантираётган муаммолар ҳал қилиш мақсадида қўлаётгани қайд этилди. Бу барча турдаги транспортлар билан интеграциялашган ахборот-логистика марказларини яратишни замоннинг ўзи талаб этмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, юк ташини инфратузилмасини модернизация қилиш учун хусусий инвестицияларни жалб қилиш муҳимдир. Шу муносабат билан транспорт соҳасида давлат-хусусий шериклик масалалари бўйича МДҲ мамлакатлари конференциясини Ўзбекистонда ўтказишни режалаштирмоқдамиз.

Учинчидан, ўзаро инвестицияларнинг ўсишини рағбатлантириш ва кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш.

Ҳамкорлик бўйича тўпланган ижобий тажрибани ҳисобга олиб, мамлакатларимизда махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятини ривожлантириш ва

қўллаб-қувватлашга оид “йўл харитаси”ни тайёрлашни таклиф этаман.

Бизнесни жалб этган ҳолда кооперацияни чуқурлаштириш ва инновацион стартапларни илгари суриш МДҲнинг Венчур платформасини яратишга хизмат қилади.

Келгуси йили Тошкент “ИННОПРОМ” кўргазмаси доирасида мамлакатларимиз кун иштирокида МДҲ инновацион саноат форумини ўтказишга тайёрмиз.

Агар ҳамкасбларимиз маъқуллашса, МДҲ Иқтисодий кенгашига қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббусларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишга кўрсатма беришни таклиф этаман.

Тўртинчидан, энергетика соҳасидаги ҳамкорлик муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда МДҲдаги шерикларимиз билан аънавий ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, жумладан, атом электр станциялари қурилиши соҳасида қатор йирик стратегик лойиҳаларни амалга оширяпмиз.

Биз, МДҲ мамлакатларида энергетика секторини инновацион ривожлантириш бўйича узоқ муддатта мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тарафдоримиз.

Бешинчидан, рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида эътиборга молиқдир. Жорий йилнинг август ойида Самарқандда ташкил этилган “МДҲда сунъий

интеллект технологияларини ривожлантириш” мавзусидаги халқаро форум кооперация борасида ўзаро қизиқиш ва имкониятлар ўсиб бораётганини кўрсатди.

МДҲ бўйича шерикларимизнинг бу соҳадаги фаол сазй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз ва Амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича кўп томонлама режа ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Хурматли ҳамкасблар!

Биз илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳасида қўшма дастурларни кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Мамлакатларимизда таълим сектори ва меҳнат бозори жадал ривожланаётганини ҳисобга олиб, Дипломлар, малака ва академик дастурларни ўзаро тан олиш тўғрисида янги давлатлараро келишувни тайёрлаш, Профессional стандартлар ва малака талабларини уйғунлаштириш механизмни жорий этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Кун тартибига инновацион экотизимларни шакллантириш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш учун Ёшлар лабораториясини яратиш масаласини киритган ҳолда, МДҲ Ёшлар форумини Хивада қабул қилишга тайёрмиз.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Бугун мамлакатларимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигига нисбатан умумий хавф-хатар ва таҳдидлар ҳақида кўп айтилди.

Ташқи сиёсат идоралари ва махсус хизматлар йўналишлари бўйича тизимли ва яқин алоқаларни давом эттириш муҳимдир. Бу ўринда сўз ҳамкорликни мувофиқлаштириш,

ахборот алмашиш ва қўшма тадбирларни ўтказиш ҳақида бормоқда.

Ҳамдўстликнинг жанубий чегаралари ҳақида сўз юритар эканмиз, Афғонистонда сақланиб қолаётган мураккаб вазиятни унутмаслигимиз керак. Ушбу мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий инқироз чуқурлашиб бораётганини ҳисобга олсак, унинг ҳудудидан бўладиган хавф-хатар ва таҳдидлар сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик, осойишталик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг қатъий тарафдори эканини таъкидлайман.

Шу муносабат билан ушбу мамлакатда йирик инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда биргаликда иштирок этиш имкониятларини кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Хурматли ҳамкасблар!

Биз хурматли Сергей Николаевич Лебедевни Ҳамдўстлик Бош котиби лавозимига қайта тайинланишини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Сўзининг якунида Туркменистон Президенти, хурматли Сердар Гурбангулиевич Бердимухамедовга МДҲда раисликни қабул қилиб олгани муносабати билан муваффақиятлар тилайман.

Ишончим комил, ушбу учрашув ва қабул қилинаётган қарорлар ўзаро манфаатли кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга имкон яратди, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг тўлиқ қўллаб-қувватлаши йўлидаги умумий мақсадлар ва вазифаларимизга эришишга хизмат қилади.

Мутасаддиларнинг айтишича, Ислом тараққиёт банки дастури доирасида 2025-2028 йиллар давомида ҳудудга 35 миллиард сўм ажратиш режалаштирилган. Шундан



БОШҚАРУВДА ТЕЗКОРЛИК, ХИЗМАТДА ШАФФОФЛИК РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЖИХАТЛАРИ

Жумладан, “Рақамли ҳукумат” дастури доирасида қирқдан ортиқ лойиҳа амалга оширилиши, электрон давлат хизматларининг улуши етмиш фоизга чиқарилиши, маҳаллаларда ўнлаб янги хизматлар жорий қилиниши — буларнинг барчаси инсон ҳаётига бевосита дахлдор. Оддий фуқаро энди қайси идоранинг эшигини тақиллатишни ўйлаб бош қотирмайди: ариза топшириш ҳам, тўлов қилиш ҳам, зарур маълумотни олиш ҳам бир тугма масофасида ҳал бўладиган жараёнга айланади.

Қурилиши мўлжалланган 66 минг километр оптик толали алоқа линияси, икки мингдан зиёд таянч станция ва юздан ортиқ ахборот тизими соҳа ривожидagi навбатдаги босқич сифатида баҳоланмоқда. Улар бевосита тадбиркор учун ҳужжатларни кечиктирмай топириши қўлайлиги, шифокор учун эса бемор ҳақидаги маълумотни тезкор олиш имконияти, қишлоқ мактабидagi онлайн дарсинг узилмаслиги каби ҳаётий ҳолатлар орқали ўз самарасини кўрсатади. Шу тарзда қарорнинг моҳияти оддий фуқаро учун энг сезиларли қирраларини намоян этади.

Хизматларнинг шакли янгиланаётгани алоҳида воқеалик. Юздан ортиқ янги электрон хизмат тақдим этилади, уларнинг бир қисми проактив тарзда ишлайди, яъни фуқаро мурожаат қилмасдан туриб ҳам зарур билдиришмалар автоматик тарзда етиб боради. Мобил алоқа операторлари, банклар ва тўлов ташкилотлари иловалари орқали давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилади. Бу давлат тизимининг мавжуд маълумотларни ўз вақтида тақдим этишини аниқлатади.

Шунингдек, 2025 йил 1 ноябрдан мобил операторлар, тижорат банклари ва тўлов ташкилотлари ўз иловалари орқали Ягона интерактив давлат хизматлари порталдаги пулли хизматларни тақдим этиш имкониятига эга бўлади. Бу қўлайлик хизматларни энг кўп ишлатиладиган платформаларга олиб киради. Орадан бир ой ўтди, яъни 1 декабрдан нодавлат нотижорат ташкилотлар идораларо интеграция платформасига уланиб, электрон ҳамкорлик асосида иш юритади. Шу орқали давлат тизими фуқаролик жамияти институтилари фаолиятида ҳам фол иштирок этади.

Ишхонага йўл оларкансиз, телефон орқали мурожаат юбориш, маҳалла идорасига бормасдан туриб зарур хизматларни фойдаланиш, жавобини кун тугамасидан олиш — қарорнинг оддий ҳаётга таътиқ этилган кўриниши айнан шундай ифодаланади. Шу тариқа қарор маъмуридан аниқлашладиган мақсад кундалик эҳтиёжларнинг осон ва тез бажарилишида, давлат билан инсон орасидаги масофа қисқариб бораётганида ўз ифодасини топади.

“Рақамли маҳалла”

Маҳалла — аҳолига энг яқин бошқарув бўлини. Ана шу асосга таяниб, мазкур қарор



маҳалланинг кундалик ишини ҳам рақамли тартибга келтиради. 2026 йил 1 январдан ижтимоий ёрдамга мурожаат қилиш, оилавий ва демографик маълумотларни юритиш, фуқаролар билан ишлаш “Рақамли маҳалла” платформасига кўчади. Хонадонлар рўйхати, ёрдам сўровининг ҳолати, бир оила учун зарур ҳужжатлар — барчаси бир тизимда жамланади. Маҳалла идорасига келган фуқарога мурожаат рақами орқали босқичма-босқич хизмат кўрсатилади.

2025 йил 15 октябрга қадар Маҳаллаларнинг марказлашган реестри ишга тушади ва ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини кадастр рақами орқали ягона идентификаторга эга бўлади. 1 ноябрдан реестр давлат тизимларида мажбурий тарзда қўлланади. Худуд номланишидаги фарқлар, кўча рақамларидаги чалқашликлар, бир объект турли тизимларда турлича кўриниши каби муаммолар бартараф этилади. Бу тартиб бюджетдан ажратмаларни ҳам, маҳалла эҳтиёжини ҳам аниқ ифода этади. Айтайлик, қайси кўчани ёритиш керак, қайси хонадонга ижтимоий ёрдам зарур, қайси нуқтада янги хизмат очилиши лозим — ҳаммаси ягона картида кўринади.



Шунингдек, кадастр тизими янгиланиши режа қилинган. 2026 йил 31 декабргача кўчмас мулк объектларининг барча маълумотлари “UZKAD” базасига ўтказилиб, WGS-84 геокоординатларига боғланган ягона давлат манзил реестри шакллантирилади. Харитадаги ҳар бир нуқта ҳужжатлар билан мос келиши ер муносабатларида аниқлик, солиқ базасида тартиб, коммунал хизматларда ҳисобнинг тўғрилиги, фавқулодда вазиятларда тезкор йўналиш демакдир. Масалан, ёнгин-қутқарув экипажи керакли ҳовлини излаб вақт йўқотмайди, сув таъминоти тизимида носозлик бўлса, таъмирлаш бригадаси аниқ манзилга йўналтирилади, солиқ тўловларида ортиқча билдиришнома ёки такор ҳисоб-китоблар камаяди.

Рақамли тартиб соҳа ва тармоқлар ишини фуқарога янада яқинлаштиради. Соғлиқни сақлашда 2026 йил 1 майдан нотижоратлиқни белгилаш хизмати композит тартибда кўрсатилади. Шифокор хулосасидан сўнг имтиёзли даволаниш учун йўллама ва электрон навбат бир йўла шаклланади. Фуқаро алоҳида-алоҳида идорага бориб ҳужжат йиғмайди, мурожаат ортидан маълумот тизимларо алмаштиради. Бу тартиб кўп болали она, кекса бемор ёки иш вақтини тежамокчи бўлган ҳар бир одам учун енгиллик. Шу йилнинг якунига қадар “Шифокорнинг рақамли ёрдамчиси” платформаси ишга тушади. Қисқача айтганда, қорғозбозлик қисқаради, навбатлар ихчамлашади, ташхис ва даволаш босқичлари изчил тартибга тушади. Маҳалла, кадастр, соғлиқни сақлаш — уч турли соҳа бир йўналишда ишлаш бошлайди. Қарор ана шу нуқтада боғловчи ҳалқа вазифини бажаради, яъни маълумот манзили харида, жавобгарлик манбаи тизимларда, хизмат эса фуқарога энг яқин нуқтада жойлашади.

Ахборот тизимининг интеграцион сервиси

Яқин икки йил ичида турли соҳаларда босқичма-босқич жорий этилиши белгиланган янгиликлар ўзаро алоқадор тизимнинг бир бутун кўринишини очиб беради. Аввало, таълим соҳасида 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб давлат олий таълим муассасалари талабаларига ойма-ой тўланадиган ижара харажатларининг бир қисmini қайтариш учун Ягона портал орқали мурожаат қилиш имконияти яратилади. Орадан



кўп ўтмай, 2026 йил 1 январдан ўрта махсус, касбий ва олий таълим ташкилотларининг давлат хизматлари ҳам айнан шу портал орқали кўрсатиладиган бўлади. Талаба ижарада турган уй бўйича шартнома ва тўлов қвтанциясини иловага юклайди, тизим автоматик текширади, макомни кўрсатади, етишмаётган ҳужжат бўлса, билдиришнома юборади. Деканатга қатнаб юришининг ўрнини рақамли изчиллик эгаллайди, ота-она ҳам шахсий кабинет орқали жараёни кузата олади.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги янги қиёфа касб этиб, сув хўжалигида тартиб қатъийлашади. 2025 йил 1 ноябрдан фермер ва деҳқон хўжаликлари, тадбиркорлик субъектлари сув тақсимоти билан боғлиқ барча маъмурий жараёнларни фақат электрон тарзда, “Сув ҳисоби” ягона тизими орқали амалга оширади. Бу эса ресурсдан оқилона фойдаланиш, сувнинг қаерга сарфланаётганини аниқ кўриш ва тартибга солиш имконини кенгайтиради.

Транспорт соҳасида ҳам муҳим янгилик кўчга қиради. Энди автомобилга газ баллонини ўрнатиладиган ҳақидаги маълумотлар электрон шаклда юритилади, натижада транспорт воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини янгидан расмийлаштириш тартиби бекор қилинади. Бу механизм ҳайдовчининг вақтини тежайди, ортиқча қорғозбозликка чек қўяди. Масалан, такси ҳайдовчиси баллонини сертифициланган пунктда алмаштиради, сервис тизимга ўрнатиш актини киритади, сугурта ва техқўриқ базалари билан боғланиш автоматик равишда кечади. Ҳайдовчи кўшимча навбат кутмайди, назорат эса реал вақтда ишлайди.

Янгиликлардан яна бири хорижий фуқароларга кўшимча қўлайликлар яратиш билан боғлиқ. 2026 йил 1 январдан бошлаб чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи бўйича бир йилгача муддатда вақтинча рўйхатга олиш амалиёти жорий қилинади. Бу нафақат тартибнинг соддалашуви, балки мамлакатда яшаётган хорижий шахслар ҳуқуқий макомининг тез ва шаффоф тарзда белгиланишини аниқлатади.

Яна бир катта босқич сифатида 2026 йил 1 декабрга қадар Рақамли технологиялар вазирлиги Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги билан ҳамкорликда таълим, соғлиқни сақлаш ва сугурта соҳаларида маълумотларнинг тақсимланган реестри техноло-

гиясини жорий этади. Бу технология орқали ҳар бир маълумот манбаи ишончли, турли тизимлар ўртасида ахборот алмашинуви тез ва хавфсиз бўлади.

Давлат ахборот тизимларининг “йўриги” сифатида ягона платформа шаклланади. 2026 йил 1 декабргача “OASIS” — Ўзбекистон ахборот тизимининг интеграцион сервиси ишлаб чиқилади. Шу орқали барча давлат тизимларида ягона технологик ёндашув асосида хизматлар модулларга ажратилади, интеграция API воситасида бошқарилади, версиялар бир марказда назорат қилинади. Аудит журналлари, кириш ҳуқуқлари, тезкор заҳира ва барқарорлик механизмлари умумий стандартда ишлайди. Натижада “Рақамли маҳалла”да янгиланган манзил рўйхати солиқ, коммунал, фавқулодда хизматлар ва статистика тизимларида вақт йўқотмасдан акс этади, фойдаланувчи бир марта маълумот киритса, қолган идораларга такор сўрашга ҳожат қолмайди.

Янги иқтисодиётнинг локомотиви — стартаплар учун ҳам йўл очилади. “Рақамли стартаплар” ҳамда Марказий банкдаги лойиҳалар 2025 йил 1 ноябрдан Рақамли маълумотлар платформасидан бир йилгача бепул фойдаланади. Бу кириш босқичидаги харажатларни сезиларли камайтиради.

Кўриниб турибдики, қарорда санаб ўтилган бандларнинг барчаси алоҳида соҳаларга оид бўлса-да, уларнинг моҳияти ягона тамойилда бирлашади. У ҳам бўлса, турли хизматларни қозғонган рақамга кўчириш, фуқарога яқинлаштириш ва уларни ортиқча тартиблардан холи қилишдир. Қисқача айтганда, давлат тизимлари ўртасидаги масофа қисқаради, фуқаролар кундалик ҳаётда тез ва қўлай йўл билан ўз ишини ҳал қилиш имконига эга бўлади.

Натижага йўналтирилган мезон

2026 йил 1 январдан АТ парк резидентлари учун янги тартиб кўчга қиради. Эндиликда улар реклама хизматлари ва дастурий таъминот обоналари бўйича тўловларни корпоратив банк карталари орқали амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади. Бу тўловлар йил давомида фақат экспорт тушумлари ҳисобидан қопланади, умумий микдор эса 500 минг АҚШ долларидан ошмаслиги белгиланган. Чеграга ўз ўрнида молиявий интизомни сақлашга хизмат қилади, шунингдек, компанияларга бюджетини режалаштиришда аниқ мезон беради.

Янги тартиб реклама жойлаштириш масаласини ҳам қатъий тартибга солади. АТ парк резидентлари ўз махсуслотларини фақат ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган ва юз миллиондан ортиқ аудиторияга эга ахборот ресурслари ҳамда тизимларида тарғиб қила олади. Бу талаб реклама харажатлари бевосита мақсадли аудиторияга йўналтирилишини кафолатлайди, стартап ва компаниялар учун эса ортиқча таваккалчиликларни камайтиради.

Хориждан келадиган тўловлар масаласида ҳам енгиллик берилмоқда. АТ парк резидентлари ўз дастурий махсуслотлари учун хорижий мижозлардан оммавий офурта асосида обуна тўловларини қабул қилиши мумкин. Бу жараёнда “Е-контракт” тизимига маълумот киритиш талаби қўйилмайди. Шундай қилиб, глобал микёсда хизмат кўрсатаётган компания тўловларни соддароқ қабул қилади, мижоз эса ортиқча ҳужжатбозликдан қутулади.

Бу янгиликлар бошқа қарорлар билан уйғун ҳолда ишлашини ҳам унутмаслик лозим. Масалан, илгари мобил операторлар, банклар ва тўлов ташкилотлари учун Ягона портал орқали пулли давлат хизматларини тақдим этиш имконияти очилган эди. Энди эса реклама, обуна ва хорижий тўловлар тартибга солиниб, барчаси ягона экотизимга уланади. “OASIS” платформаси эса идораларо интеграцияни аниқ стандарт асосида бошқаради, хавфсизлик ва самарадорликни оширади.

Умуман олганда, ушбу механизм АТ парк резидентларига халқро бозорда фаолроқ ишлаш, реклама харажатларини самарали режалаш, обуна инфратузилмасини соддалаштириш ва молиявий жараёнларни шаффоф юритиш имконини беради. Шу йўл билан маҳаллий технология компаниялар глобал майдонда ўз ўрнини янада мустаҳкамлашга замин яратилади.

Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ВА ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР

Озарбайжоннинг Габала шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида давлатимиз раҳбари туркий дунё бирдамлигини мустаҳкамлаш, жаҳон сиёсати, иқтисодиёти ва гуманитар соҳадаги ролини оширишга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, хавфсизлик ва сиёсий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш мақсадида Самарқандда ТДТ ташки ишлар вазирлари ва махсус хизматлар раҳбарларининг биринчи қўшма учрашувини ўтказишни таклиф қилди. Шунингдек, Стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлик тўғрисидаги шартномани қабул қилиш ҳамда Туркий давлатлар ташкилотини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш таклифини билдирди.



Алишер САМАДОВ,
Тошкент давлат техника
университети Олмалик
филиали директори

иқтисодиёт бўйича “йўл харитаси” қабул қилиниши замонга мос ривожланишга қаратилган сайёҳаракатдир. Чунки бугунги тараққиёт даврида илғор технология, сунъий интеллект ҳар соҳага жадал кириб келмоқда. Шундай экан, замонавий технологиялар билан ҳамқадам бўлиш ҳар қачонгидан зарур. Ўзбекистонда Туркий давлатлар халқро университети ташкил этилиши ҳамда Туркий дунё халқро кўргазмаси ўтказилиши мутахассислар тайёрлаш, қўшма тадқиқотлар ўтказиш учун айна мудида бўлади. Халқро олийгоҳ инновациялар майдони сифатида тараққиётга хизмат қилади.

Экстремизм ва радикал мафкурага қарши курашиш, ёшларнинг экологик саводхонлигини ошириш, 2026 йилда “Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий ижоди — туркий дунё маънавий ҳаётида” халқро конференцияси ҳамда “Туркий илм-фан ва инновациялар кунлари” ўтказилишини барча иштирокчилар қўллаб-қувватлади.

Саммит давомида ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ва қатор устувор йўналишлар бўйича



66 Туркий халқлар фақат тил, маданий-маънавий жиҳатдан эмас, балки савдо-иқтисодий нуқтаи назардан ҳам доимий ҳамкорлардир. Бу борада қанча қўлайлик, енгиллик яратилса, барча учун шунча яхши. Ривожланиш янада жадаллашади, халқлар фаровонлашади.

хўжалиги бўйича экспертлар гуруҳи ташкил этиш ҳамда туркий органик махсуслотлар брендини жаҳон бозорига олиб чиқиш эса бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқади.

Инновация ва таълим соҳасини янада ривожлантириш мақсадида сунъий интеллект ҳамда креатив



